



УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ТОШКЕНТ-2022



МУНДАРИЖА

Кириш.....	1
Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида.....	7
Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида.....	8
Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарори.....	13
1-боб. Умумий қоидалар.....	14
2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш.....	16
3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби.....	17
4-боб. Коррупциявий хавф-хатарлар даражасини бартараф этиш чоралари.....	19
5-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби.....	21
6-боб. Якуний қоидалар.....	22
1-Илова.....	23
2-Илова.....	24
3-Илова.....	25
Давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш дастури.....	26

КИРИШ

Коррупция ва у билан боғлиқ салбий ҳолатлар узоқ йиллар давомида жаҳон ҳамжамиятини қийнаб келаётган ўткир ижтимоий муаммолар орасида юқори ўринда туради. Шу боисдан ушбу иллатнинг барча кўринишларига қарши самарали курашиш чораларини кўриш, миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, коррупция ҳолатларини барвакт аниқлаш ҳамда олдини олиш механизмларини яратиш, шунингдек, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалага оширилаётган тизимли ислоҳотлар ҳамда кўрилаётган чоралар халқаро даражада эътирофга сазовор бўлиб, юртимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрни юқорилашига сабаб бўлмоқда. Хусусан, Transparency International халқаро ташкилотининг 2021 йил учун эълон қилган **“Коррупцияни қабул қилиш индекси”**да Ўзбекистон б поғона юқорилаб, **180 мамлакат** орасида **140-ўринни** эгаллади.

Коррупцияга қарши курашиш борасида яхши натижаларга эришган давлатларнинг тажрибасига эътибор қаратсак, уларда коррупция билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг оқибати билан эмас, балки уни келтириб чиқарадиган сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш орқали самарали олдини олиш механизмларини жорий этиш устувор мақсадга айланганинг кўриш мумкин. Чунки бугун халқаро ҳамжамият коррупцияга қарши курашишнинг энг тўғри ва самарали йўли – коррупциянинг содир этилишига имконият яратадиган сабаб ва омилларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, деб ҳисоблайди.

Мамлакатимизда ҳам коррупция ва у билан боғлиқ салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши муросасиз курашишнинг илфор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятида очиқлик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидағи ҳисобдорлигини йўлга қўйиш орқали давлат бошқарувида самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда.

Бу ишларнинг давоми сифатида давлат органлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимини тўлиқ жорий этиш ҳамда давлат хизматига ҳалоллик стандартларини қўллаш эндилиқда муҳим аҳамият касб этади.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизимининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги самарадорлиги илмий жиҳатдан ўрганилган бўлса-да, амалиётда коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасига ягона умумий таъриф берилмаган. Рус олимлари И.В. Левакин ва Ж.А.Шишованинг фикрича, коррупциявий хавф-хатарлар мансабдор шахсларнинг моддий манфаат кўриш мақсадида ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун давлат ва муниципал бошқарувида яратилган имкониятлардир . Ф.Ф. Смирнов ушбу таърифга мазмунан яқинлашган ҳолда, коррупциявий хавф-хатарлар – бу бошқарувда объектив равища үрнатилган ёки субъектив равища яратилган вазият бўлиб, у коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият беришини таъкидлайди.

Гарб олимлари коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасини таърифлашда институционал ёндашиб, давлат бошқарувида коррупцияга қарши нормаларнинг ишлаши устидан назорат механизмлари ишламаслиги натижасида коррупция жиноятигининг содир этилиш ҳолатлари сифатида талқин этади.

Бизнинг фикримизча, коррупциявий хавф-хатарлар – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимолидир.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф чораларини кўриш ҳамда бу борадаги ишларни мониторинг қилиш мақсадида Ўзбекистон Республика Президентининг 2019 йил 27 майдаги **“Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5729-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан Республикаизда давлат органлари зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган **коррупциявий хавф-хатарларни вақти-вақти билан мажбурий баҳолаш амалиёти жорий этилди**.

Ушбу амалиёт давлат бошқарувини самарали амалга ошириш, давлат хизматчиликарининг фаолиятида коррупция билан боғлиқ салбий ҳолатларни барваҳт аниқлаш ҳамда бартараф этиш, энг асосийси, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат раҳбарининг ПФ-5729-сонли Фармонига асосан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бевосита ҳар бир давлат органининг зиммасига юклатилган бўлиб, баҳолаш натижалари бўйича:

- коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантириш;

- идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга ошириш ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўриш;

- ҳар йили Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупциявий хавф-хатарларга барҳам бериш бўйича таклифларни киритиш баҳолашнинг амалга ошириш механизмлари сифатида белгиланганди.

Аммо, Фармонда белгиланган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти ўтган вақт давомида кутилган натижани бермади. Ҳатто, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупциявий хавф-хатарларни ўз вақтида аниқламаганликлари ҳамда тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлиши қайд этилган бўлса ҳам. **Бунинг асосий сабабларини қўйидагича изоҳлаш мумкин:**

биринчидан, Фармонда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти натижасида амалга ошириладиган ишларга урғу берилиб, баҳолаш амалиётини амалга оширишнинг аниқ механизмлари ва босқичлари Фармонда кўрсатилмаган. Бу эса, ўз навбатида, давлат органларида ўз зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнлари тўғрисида тўлиқ тасаввур шаклланишига тўсиқ бўлган;

иккинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётини самарали амалга оширишга бевосита давлат органининг ўзи масъул бўлиб, ушбу жараёнларни республика доирасида мувофиқлаштириб борувчи ягона давлат органи мавжуд эмас эди. Шу боисдан, давлат органларида баҳолаш амалиётининг самарадорлигига етарлича эътибор қаратилмаган ва бу йўналишдаги ишларнинг ҳисоботи юритилмаган;

учинчидан, Фармонда коррупциявий хавф-хатарларни вақти-вақти билан баҳолаш давлат органлари учун мажбурий белгиланган бўлса-да, уни амалга оширишнинг аниқ муддатлари кўрсатилмаган.

Шунингдек, коррупциявий хавф-хатарларни сифатли баҳолаш ишларини етарли даражада ташкиллаштириш борасидаги чораларни ўз вақтида кўрмаган давлат ташкилотлари раҳбарларининг жавобгарлиги масаласига умуман эътибор қаратилмаган эди.

Хорижий давлатларда давлат ташкилотлари томонидан ўзининг функциялари ва уларни амалга оширишдаги коррупциявий хавф-хатарларини баҳолаш тартиблари ва механизмлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳамда тўлиқ тартибга солинган.

Хусусан, **Болгарияда** давлат органларидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Ҳукумат қарори билан тасдиқланган услубиёт асосида амалга оширилади. Мазкур услубиёт коррупция хавфи кўрсаткичларининг тўрт тоифасини белгилайди:

- 1) объектив (маъмуриятда монопол мавқега эга бўлиш – автоном қарорлар қабул қилиш);
- 2) субъектив (маъмурият функционал фаолиятига доир ўрнатилган қоидаларни билмаслик);
- 3) ички (маъмурий имкониятларнинг етарли эмаслиги ёки самарали назоратнинг йўқлиги);
- 4) ташқи (қонун ҳужжатларидаги киритилган ўзгартиришлар тез-тез жорий этилиши ёки ўрнатилган қоидаларнинг бекор қилиниш ҳолатларининг кўплиги).

Молдовада ҳам давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиёти Ҳукумат қарори билан тасдиқланган. Ушбу услубиётга кўра, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш икки босқичдан: коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чораларни кўришдан иборат.

Венгрияда 2012 йилда Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилган “Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш” дастурига асосан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш сўровномалар ўтказиш, кузатиш, мониторинг, тренинглар ва ўқув семинарлари ташкил этиш каби методлардан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши янги механизмларни жорий этиш, коррупцияга қўпроқ мойил бўлган давлат органлари функцияларини децентрализация ҳамда рақамлаштириш орқали ислоҳ қилиш назарда тутилган.

Литвада эса “Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, давлат ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўзлари ёки бошқа мустақил ташкилотни ёллаш орқали амалга оширилади. Шунингдек, ушбу Қонунда давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш “Ички назорат ва ички аудит тўғрисида”ги Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши лозимлиги белгиланган.

Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январда қабул қилинган **“Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-81-сонли қарор билан янада мустаҳкамланди.

Мазкур қарорда коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш индикаторлари белгиланган бўлиб, беш йўналишнинг иккинчи йўналиши сифатида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги кўрсатилган.

Яъни давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда давлат ташкилотининг барча функция ва вазифаларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш бўйича баҳолашдан ўтказилганлиги ҳамда аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш бўйича кўрилган чоралар муҳим ўрин эгаллади.

Шунингдек, ушбу қарорда давлат ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижасида давлат ташкилотининг бирлашган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупция хавфига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимлар рўйхати, коррупцияга қарши кураш дастурини ишлаб чиқишлири лозимлиги белгиланди.

Бундан кўриш мумкинки, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти маълум маънода такомиллаштирилди, баҳолаш натижасида давлат ташкилотлари қандай чораларни кўриши аниқ белгиланди, энг муҳими, бу ишларни ҳисобини расмий юритиш бошланди.

Аммо ушбу қарор ҳам бу соҳадаги барча жараёнлари тўлиқ очиб бермади, яъни коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қандай тартибда амалга оширилиши, босқичлари ва баҳолаш жараёнларида иштирок этувчиларнинг вазифалари, баҳолаш натижаларининг даражалари мавҳум бўлиб қолди.

Таъкидланган омиллар давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасида яна бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш заруритини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майда қабул қилинган **“Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизmlарини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-240-сонли қарори республикада коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётида янги саҳифа очди.

Хусусан, мазкур қарорнинг ўзигахос хусусиятлари ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётидаги ўрнини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, қарор билан қайси давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш лозимлиги аниқ белгиланди. Унга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолияти коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашдан ўтказилади;

Иккинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг амалга ошириш тартиблари ва босқичлари белгиланиб, ушбу амалиёт рақамлаштирилди. Қарорга мувофиқ, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш “E-Anticor.uz” электрон платформасида амалга оширилиб, ҳар бир функциянинг коррупциявий хавф-хатар даражаси “паст”, “ўрта” ҳамда “юқори” ўлчовларида платформада баҳолаб борилади.

Шунингдек, ҳар бир функция бўйича аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи ва даражаси, уларни бартараф этиш бўйича чораларни ўз ичига оловчи коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш амалиёти йўлга қўйилади;

Учинчидан, давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг самарали ишлари учун уни мувофиқлаштириб борувчи масъул давлат ташкилоти белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги мазкур амалиётининг давлат ташкилотлари фаолиятида бир хилда ишлаши учун масъул бўлиб, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириб боради. Хусусан, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида “Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”ни шакллантиради ва юритади ҳамда Интернет тармоғида очик эълон қилиб борилишини таъминлайди;

Тўртингчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг аниқ муддати белгиланди. Эндилиқда давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш ва коррупциявий хавф-хатарлар хариталарни реестрга киритиш ҳар йили 1 марта қадар амалга оширилади;

бешинчидан, давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётида бевосита фуқароларнинг иштироки, яъни жамоатчилик назорати учун шароит яратилди. Баҳолаш натижалари бўйича эълон қилинган маълумотлар юзасидан фуқароларнинг таклифларини онлайн режимда қабул қилиш имконини яратган ҳолда ижтимоий сўровлар ва мустақил эксперплар иштирокида муҳокамалар ўтказилади;

олтинчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини етарли даражада ташкиллаштирмаган давлат ташкилотининг раҳбарига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш масаласи кун тартибига чиқди. Қарорга мувофиқ, давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича ахборотларини эшитиш ҳамда натижасига кўра, камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари кўрилади. Чунки давлат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларига юклangan функцияларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

еттингчидан, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти методологик жиҳатдан такомиллаштирилди. Яъни, қарорда давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг аниқ мезон ва усулларини назарда тутувчи услубиётни тасдиқлаш вазифаси кўрсатилиб, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиёти барча учун ягона услубиёт асосида амалга ошириш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, қарорда коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофоникни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш лозимлиги алоҳида кўрсатилди.

Давлат раҳбарининг ПҚ-240-сонли қарори ижросини таъминлаш ва коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётини самарали ташкил этиш мақсадида 2022 йилнинг 31 август куни **“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш”** услубиёти давлат рўйхатидан ўтказилди (рўйхат рақами 3383).

Мазкур услубиёт билан коррупциявий хавф-хатарлар аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш тартиби, муддатлари, баҳолашнинг аниқ мезонлари ҳамда баҳолашда иштирок этувчи масъулларнинг вазифалари белгиланди.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда республикамизда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг ҳуқуқий асослари босқич-ма-босқич такомиллаштирилиб, самарали ишлаши учун етарли даражада шакллантирилди.

Эндилиқдаги муҳим вазифа – бу соҳада халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари ва чет эл илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунини коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётини ўз ичига олган нормалар билан тўядириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётининг очиқлигини таъминлаш чораларини кўриш ҳисобланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

ПФ-5729-сон, 2019 йил 27 май

(фармондан кўчирма)

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган **коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради**, унинг якунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини **шакллантиради**;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушибириш **чораларини кўради**;

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгashi (кейинги ўринларда – Миллий кенгаш) билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини **тасдиқлади**;

ҳар йили Миллий кенгашга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни тақроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УШБУ СОҲАДА ЖАМОАТЧИЛИК
ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

ПҚ-240-сон, 2022 йил 11 май,

Мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш доирасида уларга юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тизими изчил жорий этилмоқда.

Шу билан бирга, Янги Ўзбекистон шароитида коррупциявий омилларни аниқлаш, баҳолаш ва бартараф этиш жараёнида тегишли соҳаларни рақамлаштириш ва таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга эътиборни янада кучайтириш зарурати вужудга келмоқда.

Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш юзасидан давлат органлари томонидан ўз функцияларини амалга оширишда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш тизимини янги босқичга олиб чиқиши мақсадида, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ:

1. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб, қўйидагиларни назарда тутувчи «Е-Антикоррупция» лойиҳаси (кейинги ўринларда – Лойиҳа) тўлиқ ишга туширилсин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг худудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларнинг (кейинги ўринларда – давлат ташкилотлари) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш;

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари бўйича ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш чораларини тизимли равишда кўриш мақсадида «Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»ни (кейинги ўринларда – Реестр) шакллантириш ва юритиш;

коррупциявий хавф-хатарларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, инсон омилини қисқартириш ва тегишли тартиб-таомиллар ва функцияларни рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали бартараф этиш.

Белгилансинки:

Лойиҳа «E-Anticor.uz» электрон платформасида амалга оширилади; Реестрни шакллантириш ва юритиш Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан амалга оширилади ва Интернет тармоғида очик эълон қилиб борилади.

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УШБУ СОҲАДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИНИ
КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш доирасида:

давлат ташкилотлари томонидан уларга юкланган ҳар бир функция коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш юзасидан Агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан тасдиқла-надиган Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ таҳлил қилиб борилади;

давлат ташкилотлари томонидан ўзига юкланган функциялар ва уларни амалга ошириш механизмлари юзасидан маълумотлар шакллантирилиб, очиқ эълон қилиб борилади;

эълон қилинган маълумотлар юзасидан фуқароларнинг таклифларини онлайн режимда қабул қилиш имконини яратган ҳолда ижтимоий сўровлар ва мустақил экспертилар иштирокида муҳокамалар ўтказилади;

ҳар бир функциянинг коррупциявий хавф-хатар даражаси «паст», «ўрта» ва «юқори» ўлчовларида «E-Anticor.uz» электрон платформасида баҳолаб борилади;

ҳар бир функция бўйича аниқланган коррупциявий хавф-хатарларнинг тавсифи ва даражаси, уларни бартараф этиш бўйича чораларни ўз ичига оловчи коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш амалиёти йўлга қўйилади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Реестр юритилиб, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш тадбирларини бажариш ҳолати «E-Anticor.uz» электрон платформасида эълон қилиб борилади.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни (йиллик) баҳолаш ва коррупциявий хавф-хатарлар хариталарини Реестрга киритиш ҳар йили 1 марта қадар амалга оширилади;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш давлат ташкилотлари таркибий бўлинмалари раҳбарларини жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари томонидан ташкил этилади. Бунда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат ишчи гурӯҳлар ташкил этилиши мумкин;

коррупциявий хавф-хатарларни мустақил баҳолаш мақсадида давлат ташкилоти нинг фаолияти ушбу ташкилот билан келишилган ҳолда мустақил ташкилот томонидан ташқи баҳолашдан ўтказилиши мумкин. Бунда тегишли давлат ташкилоти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қониқарсиз амалга оширилган деб топилган тақдирда, Агентлик кўрсатмасига асосан унинг фаолияти ташқи баҳолашдан ўтказилиши шарт;

давлат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларига юкланган функцияларда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун шахсан жавобгардир.

4. Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши (Т.Нарбаева) Агентлик (А.Бурханов) билан биргаликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш якунларига кўра қўйидаги чораларни кўриб борсин:

давлат ташкилотлари раҳбарларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш бўйича ахборотларини эшлиши ва натижасига кўра камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини кўриш бўйича таклифлар киритиш;

давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар бериш;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этишда ижобий натижаларга эришган давлат ташкилотларининг тажрибасини кенг оммалаштириш.

5. Агентлик (А.Бурханов) Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) билан биргаликда ҳамда халқаро экспертларни жалб этган ҳолда:

уч ой муддатда давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг аниқ мезон ва усусларини назарда тутувчи услубиётни тасдиқласин;

мунтазам равишда давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун масъул ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув-тренинг ва семинарларни ташкил қилиб борсин;

мунтазам равишда давлат ташкилотларига коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда услубий ёрдам бериб борсин.

6. Агентлик (А. Бурханов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Шерматов) билан биргаликда ҳамда халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда 2022 йил 1 августга қадар Лойиҳани самарали амалга оширишни таъминлаш учун «E-Anticor.uz» электрон платформасини такомиллаштириш, шу жумладан ушбу платформа доирасида давлат ташкилотлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш электрон тизимини яратиш чораларини кўрсин.

7. Агентлик ва Адлия вазирлиги томонидан айrim соҳалар таҳлилдан ўтказилиб, бир қатор коррупциявий хавф-хатарлар аниқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин. Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

8. Адлия вазирлиги тизимида кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқларга чек қўйиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизим жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

Давлат бошқаруви органлари кадрлар билан ишлаш йўналишидаги бюрократик тўсиқларни, коррупциявий хавф-хатарлар ва инсон омилини қисқартиришга қаратилган автоматлаштирилган тизимни 2023 йил 1 январга қадар қўйидаги талаблар асосида жорий этсан:

вакант лавозимларни эълон қилишдан тортиб, танлов ўтказиш ва ишга қабул қилиш натижалари бўйича хужжатларни расмийлаштиришгача бўлган жараёнларни тўлиқ электрон тарзда амалга ошириш;

таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш; кадрларга оид иш юритув ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда фақат тизим орқали электрон шаклда қабул қилиш ва юритиш;

ходимларнинг иш фаолияти самарадорлигини автоматик баҳолаш ва уларни масофавий ўқитиш;

кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш.

Белгилансинки, давлат бошқаруви органлари кадрлар билан ишлаш бўйича автоматлаштирилган тизимни жорий қилиш бўйича сарф-харажатларни ўзларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширади.

9. Агентлик Буш прокуратура Академияси ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази билан биргаликда ҳамда ҳалқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда коррупцияга қарши курашиб соҳасида илмий, услубий ва амалий ишланмаларни тарқатиш, эришилган ютуқлар ва тажриба билан алмашиш, давлат хизматчилари ва фуқароларнинг ушбу борадаги билимларини оширишда фойдаланишга мўлжалланган ягона интерактив майдонча – «Коррупцияга қарши курашиб виртуал платформаси» лойиҳасини ишга туширсин.

Бунда, ривожланган давлатларнинг коррупцияга қарши курашиб борасидаги тажрибасини ўрганиш, масофавий таълим беришнинг интерактив модулларини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқотлар учун зарур адабиётлар базасини шакллантириш ҳамда мутахассислар билан онлайн анжуманлар ўтказиш имкониятларини яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

Агентлик (А.Бурханов), Буш прокуратура (Н.Йўлдошев) ва Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) жорий йилнинг октябрь ойига қадар «Коррупцияга қарши курашиб виртуал платформаси» лойиҳасининг тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш чораларини кўрсинг.

10. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан. Коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлашга масъул этиб давлат ташкилотларининг раҳбарлари белгилансин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига (А.Кўчимов) ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини ҳамда давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф - хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсан.

12. Агентлик (А.Бурханов) манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда икки ой муддатда қонунчиллик ҳужжатлариға ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Агентлик директори А.Э.Бурханов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини муовификлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Боз вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д.Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ

**ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН УЛАРНИНГ
ҲУДУДИЙ БҮЛЛИНМАЛАРИ, ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАЛАРИ ВА МУАССАСАЛАРИ,
ДАВЛАТ УЛУШИ 50 ФОИЗДАН ЮҚОРИ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА КОРРУПЦИЯВИЙ
ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ УСЛУБИЁТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА
[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 31 августда рўйхатдан
ўтказилди, рўйхат рақами 3383]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сон «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари түғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги қарор қиласди:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуси 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиёти иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори
А.БУРХАНОВ**

Тошкент ш.,
2022 йил 31 август,
2-сон

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2022 йил 31 август,
5-сон

**Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг
2022 йил 31 августдаги 2-сон, Адлия вазирлигининг 2022 йил 31 августдаги
5-сон қарорига ИЛОВА**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш

УСЛУБИЁТИ

Мазкур Услубиёт давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларнинг (бундан бўён матнда давлат ташкилотлари деб юритилиди) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Давлат ташкилотларининг фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган вазифа ва функцияларини аниқлаш ҳамда коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш қуйидагилар ишлаб чиқилишини назарда тутади:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур;

коррупциявий хавф-хатар юқори бўлган лавозимлар рўйхати;

коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри.

3. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади: коррупциявий хавф-хатар – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси – давлат ташкилоти фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш чораларини амалга оширишга масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш; коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – давлат ташкилотининг фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

қолдиқ хавф-хатар – аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

махсус бўлинма – давлат ташкилотидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилма;

ишчи гурӯҳ – коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мавжуд бўлмаган давлат ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби.

4. Давлат ташкилоти томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 1 марта қадар амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан (бундан бўён матнда Агентлик деб юритилади) давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш, ушбу йўналишда камчиликларнинг олдини олиш бўйича кўрсатмалар берилиши мумкин.



2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш

6. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш давлат ташкилоти тизимиға кирувчи барча таркибий ва ҳудудий бўлинмаларни қамраб олиши лозим.

Бунда, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш маҳсус бўлинма ёки ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

7. Ишчи гуруҳ аъзолари давлат ташкилотининг таркибий бўлинмалари раҳбарларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Давлат ташкилотининг биринчи раҳбари томонидан ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланади ҳамда унинг фаолияти мувофиқлаштирилади.

8. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда давлат ташкилоти марказий аппаратининг маҳсус бўлинмаси (ишчи гуруҳ) томонидан қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш;

давлат ташкилотининг тузилмасига кирувчи ташкилотлар ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ишлаб чиқилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини кўриб чиқиш ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш;

9. Давлат ташкилотининг тузилмасига кирувчи ташкилотлар ва унинг ҳудудий бўлинмаларида махсус бўлинма (ишчи гурух) қуйидаги вазифаларни амалга оширади: коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ишларини ташкил этиш; коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳаларини ишлаб чиқиш.



3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

10. Махсус бўлинма (ишчи гурӯҳ) томонидан давлат ташкилоти фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) тавсифи ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

11. Давлат ташкилоти фаолиятидаги (вазифа ва функциялардаги) коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

12. Ички ахборот манбалари қуидагилардан иборат: давлат ташкилоти фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг) ҳуқуқий асоси; ички текширув материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари; одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари; коррупцияга қарши курашиб ишларининг мониторинг натижалари; махсус бўлинма (ишчи гурӯҳ) томонидан давлат ташкилоти фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари ва бошқалар.

13. Ташқи ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

давлат ташкилоти фаолияти тўғрисидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Агентлик ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан давлат ташкилоти фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

14. Махсус бўлинма (ишчи гурӯҳ) давлат ташкилотининг фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

давлат ташкилотининг ходими томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

давлат ташкилоти томонидан фаолиятини (вазифа ва функцияларини) амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қиласлиқ, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

ҳужжатлар, электрон маълумотлар базаларига била туриб ёлғон маълумотларнинг киритилиши;

хизмат ваколатларини амалга оширишда мажаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

15. Давлат ташкилоти фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуидаги ўлчовларда баҳоланади:

паст;

ўрта;

юқори.

16. Махсус бўлинма (ишчи гурӯҳ) томонидан коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.



4-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг даражасини бартараф этиш чоралари

17. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва давлат ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) рақамлаштириш, шаффоффликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш;

давлат ташкилоти фаолиятини (вазифа ва функцияларини) тартибга солиш чораларини кўриш;

давлат ташкилоти ходимлари ва жисмоний шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида давлат ташкилоти томонидан амалга оширилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ва тарқатиш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни, ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш механизmlарини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш муддатларини қисқартириш;

давлат ташкилоти томонидан коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга ошириш, профилактик сұхбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа каналларида тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича ички ҳужжатларга ҳар куни, ўзаро ва тўлиқ риоя қилишларини назорат қилиш.

Давлат ташкилоти коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

18. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 16-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

19. Давлат ташкилоти марказий аппаратининг маҳсус бўлинмаси (ишли гуруҳи) томонидан мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда марказий аппаратнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

20. Давлат ташкилотининг тузилмасига кирувчи ташкилотлар ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳалари ишлаб чиқилади. Бунда, мазкур лойиҳалар давлат ташкилоти марказий аппаратининг маҳсус бўлинмасига (ишчи гуруҳига) умумлаштириш учун тақдим қилинади.

21. Давлат ташкилоти марказий аппаратининг маҳсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан давлат ташкилоти фаолиятидаги (вазифа ва функцияларидаги) коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш натижалари асосида давлат ташкилотининг умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади ва «E-anticor.uz» электрон платформасига ҳар йили 1 февралга қадар киритилади.

22. Давлат ташкилоти марказий аппаратининг маҳсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан автоматик равишда қўйидаги ҳужжатлар шакллантирилади:

давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури;

давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлари рўйхати.



5-боб. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби

23. Агентлик томонидан «E-anticor.uz» электрон платформасида жойлаштирилган давлат ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари асосида автоматик равишда коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилади.

24. Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри лойиҳаси Агентлик томонидан жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун ўн беш кундан кам бўлмаган муддатга «Eanticor.uz» веб-сайтига жойлаштирилади.

25. Агентлик жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича умумлаштирилган таклифларни муҳокама якунланган кундан бошлаб ўн кун ичida «E-anticor.uz» электрон платформаси орқали давлат ташкилотига юборади.

26. Давлат ташкилоти марказий аппаратининг махсус бўлинмаси (ишчи гуруҳи) Агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида давлат ташкилотининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури лойиҳаларини такомиллаштиради.

27. Давлат ташкилотининг биринчи раҳбари ҳар йили 1 марта қадар коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини «E-anticor.uz» электрон платформаси орқали тасдиқлайди.



6-боб. Якуний қоидалар

28. Мазкур Услубиёт талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш [услубиётига](#) 1-ИЛОВА

Давлат ташкилоти фаолиятининг (вазифа ва функцияларининг)

ТАБСИФИ

узбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб агентлиги ҳамда узбекистон

Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига 2-ИЛОВА

Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юқори*	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) автоматлаштирилмаган
	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) тартибга солингмаган
	назоратсиз тартибда иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функция) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида бир шахс иштирок этиши
	давлат ташкилотининг фаолиятини (вазифа ва функцияни) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган)
Ўрта*	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман автоматлаштирилган
	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) қисман тартибга солинган
	назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд
	давлат ташкилотининг фаолиятини (вазифа ва функцияни) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида иккита шахс иштирок этиши
	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) бажаришда коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўгрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган)
Паст**	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ автоматлаштирилган
	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) тўлиқ тартибга солинган
	жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш имконияти мавжуд эмас
	давлат ташкилотининг фаолияти (вазифа ва функцияси) доирасида қарорни лойиҳасини тайёрлашда, кўриб чиқишида ва қабул қилишида уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этиши
	коррупциявий хатти-харакат ва коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўгрисидаги маълумот мавжуд эмас

*Махсус бўлинма (ишчи гурӯҳ) томонидан давлат ташкилотининг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган хавф-хатарнинг юқори ёки ўрта даражада деб баҳолаш давлат ташкилоти раҳбари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

**Давлат ташкилотининг фаолиятида (вазифа ва функциясида) аниқланган коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашда, агарда паст даражадаги мезонларнинг бири мавжуд бўлса, ўша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга карши курашиш агентлиги хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг худудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуси 50 фоиздан юқори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига

З-ИЛОВА

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Давлат ташкилотининг раҳбари

Ф.И.О.

«___» _____ йил

НИНГ ФАОЛИЯТИДАГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИНГ
ХАРИТАСИ

T/p	Коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи	Коррупциявий хавф-хатарнинг даражаси (паст, ўрта, юқори)	Функцияларни (жараёнларни) амалга оширишга масъул бўлган лавозим	Функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизм	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чоралари	Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси (паст, ўрта, юқори)	Масъул ижрочилар
1.	1. Таркибий бўлинманинг номи*						
1.	1. Давлат ташкилоти функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабат номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						
	2. Таркибий бўлинманинг номи*						
2.	1. Давлат ташкилоти функцияси номи						
	1. Функцияга оид муносабат номи						
	1. Жараён номи						
	2. Жараён номи						

Узбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Узбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг худудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юкори ташкилотлар фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш услубиётига 4-ИЛОВА

Давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ДАСТУРИ

T/p	Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш чора-тадбирлари	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
-----	--	-------------------------	--------------	---------------------

КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШНИНГ ҲУҶУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги,
2022.- 26 б.

ЛОЙИХА РАХБАРИ:

А.Бурханов

ТУЗУВЧИЛАР:

У.Тухташева, Т.Хайдаров, У.Бердиқулов, Ш.Сапаров,
Б.Рахмонов, Ф.Мирзакомилова, Р.Икрамов

©Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги,
2022 й.

Биз билан боғланиш: Коррупцияга қарши курашиш агентлиги



100070, Тошкент ш., Ш.Руставели кўчас, 8А



Тел:
(71) 202-04-02(232)



Вебсайт:
www.anticorruption.uz



Электрон почта:
info@anticorruption.uz



**Мазкур нашр Конрад Аденауэр жамғармасининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси кўмагида чоп этилди.**